# БОКС СПОРТ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КУРСАНТЛАРНИНГ СПОРТ МОТИВАЦИЯСИ.

**Ўрмонов Авазбек Абдурашидович Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси ўқитувчиси, подполковник, Спорт устаси.**

**Ж.М.Эргашев "СКУФ" спорт клуби бош мутахассис ЎзДЖТСУ**

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада бокс билан шуғулланувчи 1-2-босқич курсантларнинг спорт мотивациясини аниқлаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот ишлари натижалари баён этилган. Спорт мотивациясини В.Ф.Сопов методикасидан фойдаланган холда амалга оширилган.

**Калит сўзлар:**бокс, спорт мотивацияси, ўқув-машғулотлар.

**Мавзунинг долзарблиги**. Юртимиз мустақилликка эришганган кундан бошлаб жамиятнинг турли сохаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Хусусан мамлакатимиз ҳукумати томонидан спортга бўлган эътиборнинг кучайганлиги аҳамиятга мойил масалалардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Спортга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши юртимиз ёшларини спортга бўлган қизиқишини янада оширди десак хато бўлмайди.

Келажак авлодни спортга бўлган қизиқишини ва спорт тарбиясига йўнал-тириш, шунингдек болаларнинг спортга бўлган интилишларини янада қўллаб қувватлаш борасидаги кенг кўламли ислоҳатлар амалга оширилди. Баркамол авлодни тарбиялашда ва вояга етазишда спортнинг ўрни беқиёсдир.

Р.А.Пилоян,[1984];А.В.Радионов,[2008];А.Н.Блеер,[2009];З.Г.Гаппаров,[2010]; С.С.Тажибаев[2017] томонидан спорт мотивациясини ривожлантириш ва шакллантириш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилган. Ўтказилган тадқиқот ишларида спорт мотивациясини ривожлантириш ва шакллантириш бўйича ҳаракатли ўйинларни таъсири етарли даражада ўрганилмаганлиги тадқиқот ишимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Хозирги кунда боксчиларнинг психологик холатларига етарли даражада эътибор берилмаслиги,боксчиларнинг юқори натижаларни қайд этишига тўсқинлик қилади. Боксчиларнинг психологик тайёргарлигини аниқлашда замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва уни спорт амалиётида тадбиқ этиш, бокс спортининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотни мақсади:** бокс билан шуғулланувчи курсантларнинг спорт мотивациясини аниқлаш.

**Тадқиқот вазифалари:**

- илмий-услубий адабиётлар таҳлили асосида муаммонинг холатини аниқлаш;

- боксчиларнинг психологик тайёргарлигини аниқлашда компьютер дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:**боксчиларнинг ўқув машғулотлари жараёни.

**Тадқиқотнинг объекти:** боксчиларнинг психологик тайёргарлиги жараёни.

**Тадқиқот усуллари:**илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, суҳбат, математик-статик усул.

**Тадқиқотни ташкиллаштириш.** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясининг 60 нафар биринчи ва иккинчи босқич курсантлари ўртасида ўтказилди.

**Ўтказилган тажрибалар натижалари ва уларнинг таҳлили.**

Хозирги кунда бошланғич тайёргарлик босқичида шуғилланувчи спортчиларнинг психологик холатларига етарли даражада эътибор берилмаслиги ва болаларнинг фикрлари билан қизиқиб кўрмаслик контингентни кескин даражада тушиб кетишига сабаб бўляпди десак муболаға бўлмайди. Мазкур холат тадқиқот ишимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Биринчи босқич курсантлармизга сиз машғулот жараёнинг боришидан қониқаяпсизми деб берилган саволга респондентларимизнинг 21,7% машғулот жараёнинг боришидан қониқмаётганлигини, 65,2%и ўзлари айтган фикрларига қатъий ишонч билан, “ха тўғри мен машғулотлар, ва унда берилаётган

юкламаладан мамнунман” дея фикрларини айтиб ўтишди. 13,04%и эса ўзлари айтган фикрларига унчалик ишонч билан бўлмасада машғулотлардан қониқаётганлигини айтиб ўтишди.

Анкета сўровномамиздаги, респондентларимизга тақдим этилган кейинги савол қуйдагича эди. “Сиз машғулот усулларида айрим нарсаларни ўзгартиришни истайсизми?”. Бу саволга ҳам ҳамма иштирокчилар турлича жавоб беришди.

Фикримизнинг исботи сифатида натижаларни келтириб ўтамиз, масалан, 34,78%и “йўқ машғулот жараёнидаги усул ва воситаларга ҳеч қандай ўзгартириш киритиш керак эмас” деган бўлса, 39,13%и эса ўз фикрларига қатъий ишончсиз “ҳа шундайга” ўхшайди деб айтиб ўтишди.

**1-жадвал**

**1-босқич курсантларнинг спорт мотивацияси кўрсаткичлари(n=27)**

| № | Саволлар | Йўқ мутлақо бундай эмас | Ха шундайга ўхшади | Тўғри | Жудаям тўғри |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Мен машғулот жараёниниг боришидан қониқяпман. | 21,7% | 0 % | 13,04 % | 65,2 % |
| 2. | Машғулот усулларида айрим нарсаларни ўзгартиришни истайман | 34,78% | 39,13 % | 17,39 % | 8,69 % |
| 3. | Мен бу мавсумда муваффақият қозонишга умид қиламан. | 0% | 17,39 % | 30,43% | 52,17% |
| 4. | Машғулот  жарёнида мен ҳар тарафлама фаолман | 13,04% | 17,39% | 39,13% | 30,39% |
| 5. | Менинг эътирозларим бирор нарсани ўзгартиришга ишончим йўқ | 52,17% | 30,39% | 4,34% | 13,04% |
| 6. | Менинг машғулотларим усулининг тўғрилигига ишонаман | 8,69% | 8,69% | 30,39% | 52,17% |
| 7. | Машғулотдаги вазият менда унчалик қизиқиш уйғотмайди. | 82,60% | 0% | 8,69% | 8,69% |

17,39% иштирокчилар машғулотлар жараёнидаги айрим қисмларни ўзгартирилишини тўғри деб билсалар, 8,69% боксчи курсантлар машғулотлар жараёнидаги айрим қисмларга ўзгартириш киритиш орқали натижаларни янада оширишларига ишонишларини такидлаган.

Респондентларимизга тақдим этилган навбатдаги яъни, “Сиз бу мавсумда муваффақият қозонишингизга ишонасизми?” деб берилган саволга қуйдагича жавоб беришди. Бу мавсумда муваффақият қозонишларига тўла ишонишмаганлар сони фоизларга айлантирилганда 17,39%ни ташкил қилди.

Муаффақият қозонишларига умид қилаётганлар фоизи, 30,43%ни ташкил қилган бўлса, муваффақият қозонишларига ишончлари комил, қаттиятлилик билан жавоб берганлар сони аксарият қисимини яъни 52,17%ни ташкил қилди.

Машғулот жараёнида “ўзингизни ҳар тарафлама фаолман деб ҳисоблайсизми?” мазмунидаги саволга олинган жавоблар фоизлар ҳисобида қуйдагича бўлди.

Биз гатақдим этилган жавоблардан шу нарсани кузатиш мумкинки, машғулот жараёнида ўзларини фаол эмаслигини такидлаганлар ҳам бўлди ва булар, 13,04%ни, машғулот жараёнида ўзларининг фаол ёки фаол эмасликлари ҳақида аниқ бир тўхтамга келаолмаганлар 17,39%ни ташкил қилган бўлса, машғулот жараёнида “мен фаолман” деб жавоб берганлар ҳам топилди ва бу шуғулланувчилар фози, 39,13%ни ташил қилдилар. Бу масалани салбий тарафлари ҳам аниқланди, ва бу салбий жихати шундан иборатки, машғулот жараёнида ўзларини ҳар тарафлама фаолман деб ҳисоблайдиганлар нисбатан кам, яъни 30,39%га тушганликларини кўришимиз мумкин.

Курсантларга “Сиз машғулот жараёнинг боришидан қониқаяпсизми?” деб берилган саволга респондентларимизнинг 21% машғулот жараёнинг боришидан қониқмаётганлигини, 25%ни ўзлари айтган фикрларига қатъий ишонч билан “Ҳа тўғри мен машғулотлар, ва унда берилаётган юкламаладан мамнунман” дея фикрларини айтиб ўтишди. 13,%ни эса ўзлари айтган фикрларига унчалик ишонч билан бўлмасада машғулотлардан қониқаётганлигини айтиб ўтишди.

Анкета сўровномамиздаги, респондентларимизга тақдим этилган кейинги савол қуйдагича эди. “Сиз машғулот усулларида айрим нарсаларни ўзгартиришни истайсизми?”. Бу саволга ҳам ҳамма иштирокчилар турлича жавоб беришди.

**2-жадвал**

**2-босқич курсантларнинг спорт мотивацияси кўрсаткичлари (n=23)**

| № | Саволлар | Йўқ мутлақо бундай эмас | Ха шундайга ўхшади | Тўғри | Жудаям тўғри |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Мен машғулот жараёниниг боришидан қониқаяпман. | 21% | 25% | 13% | 41% |
| 2. | Машғулот усулларида айрим нарсаларни ўзгартиришни истайман | 34,78% | 19,13 % | 17,39 % | 28,69 % |
| 3. | Мен бу мавсумда муваффақият қозонишга умид қиламан. | 10% | 27,39 % | 30,43% | 22,17% |
| 4. | Машғулот жарёнида мен ҳар тарафлама фаолман | 13,04% | 27,39% | 29,13% | 30% |
| 5. | Менинг эътирозларим бирор нарсани ўзгартиришга ишончим йўқ | 23% | 31% | 15% | 31% |
| 6. | Менинг машғулотларим усулининг тўғрилигига ишонаман | 10% | 28% | 30% | 32% |
| 7. | Машғулотдаги вазият менда унчалик қизиқиш уйғотмайди. | 52,60% | 10,02% | 18,69% | 18,69% |

Фикримизнинг исботи сифатида натижаларни келтириб ўтамиз, масалан, 34,78%и йўқ машғулот жараёнидаги усул ва воситаларга ҳеч қандай ўзгартириш киритиш керак эмас деган бўлса, 39,13%и эса ўз фикрларига қатъий ишончсиз ҳа шундайга ўхшайди деб айтиб ўтишди. 17,39% иштирокчилар машғулотлар жараёнидаги айрим қисмларни ўгартирилишини тўғри деб билсалар, 8,69% боксчи курсантлар машғулотлар жараёнидаги айрим қисмларга ўзгартириш киритиш орқали натижаларни янада оширишларига ишонишларини такидлаган.

Респондентларимизга тақдим этилган навбатдаги яъни, “Сиз бу мавсумда муваффақият қозонишингизга ишонасизми?” деб берилган саволга қуйдагича жавоб беришди. Бу мавсумда муваффақият қозонишларига тўла ишонишмаганлар сони фоизларга айлантирилганда 17,39%ни ташкил қилди.

Муаффақият қозонишларига умид қилаётганлар фоизи, 30,43%ни ташкил қилган бўлса, муваффақият қозонишларига ишончлари комил, қаттиятлилик билан жавоб берганлар сони аксарят қисимини яни 52,17%ни ташкил қилди.

“Машғулот жараёнида ўзингизни ҳар тарафлама фаолман деб ҳисоблайсизми?” мазмунидаги саволга олинган жавоблар фоизлар ҳисобида қуйидагича бўлди.

Бизга тақдим этилган жавоблардан шу нарсани кузатиш мумкинки, машғулот жараёнида ўзларини фаол эмаслигини такидлаганлар ҳам бўлди ва булар, 13,04%ни, машғулот жараёнида ўзларининг фаол ёки фаол эмасликлари ҳақида аниқ бир тўхтамга кела олмаганлар 17,39%ни ташкил қилган бўлса, машғулот жараёнида мен фаолман деб жавоб берганлар ҳам топилди ва бу шуғулланувчилар фози, 39,13%ни ташил қилдилар. Бу масалани салбий тарафлари ҳам аниқланди, ва бу салбий жихати шундан иборатки, машғулот жараёнида ўзларини ҳар тарафлама фаолман деб ҳисоблайдиганлар нисбатан кам, яъни 30,39%га тушганликларини кўришимиз мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

Юқорида кўрсатилган адабиётлар тахлилида мотив хар бир фаолиятда мухим ахамият касб этади. Мотив - бу фаолиятга ундовчи куч, ички қўзғатувчи куч ва танланган мақсадга эришиш учун даъватдир.

Тахлил қилинган адабиётлардан маълум бўлдики, боксчиларнинг машғулотга бўлган мотивациясини оширишга қаратилган педагогик технологияларни учратмадик.

Тадқиқот натижасида маълум бўлдики, боксчиларни машғулотдаги фаоллиги доимий назорат қилиб баллар орқали ифодаланса ва натижалар кенг тарзда ошкора этилса, спортчиларни машғулотга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгариб, машғулотга бўлган мотивацияси ошиши туфайли, техник ва тактик харакатларни эгаллаши самарадорлиги ошади. Бу албатта мусобақада ўз самарасини беради.

Курсантларнинг спорт мотивациясини ривожлантиришда самарали таъсир этадиган восита ва усулларни излаб топиш зарурати мавжуд.

Юқорида ўтказилган тажрибамиз натижаларидан кўриниб турибдики 1-босқич курсантларнинг спорт мотивацияси 2-босқич курсантларнинг спорт мотивациясидан юқори экан.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Блеер А.Н. Психологические механизмы формирования активности единоборца. Материал в Международной научно – практической конференции психологов физической культуры и спорта. «Рудиковские чтения» 2-5 июня. М.: 2009. с. 54.
2. Гаппаров.З.Г. Якка курашчиларни психологик таёрлаш ( Эркин кураш мисолида) Тошкент 2010. 143.
3. Пилоян.Р.А.Мотивация спортивной деятельности. М.: ФиС, 1984. с. 13-14.
4. Радионов. А.В. Практика психологии спорта. – Ташкент: Лидер – пресс, 2008.
5. Тажибаев С.С. Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси. Пед...фан.бўй.фал.док.диссертацияси.-Тошкент, 2017, 160 б.